

ПРИКАЗ

15.01 2025 № 7

**О введении в действие  
Антикоррупционной  
политики ООО «Учебно-  
тренировочный центр»**

В целях полного и качественного выполнения требований и задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 29 июня 2020 года № УП-6013 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» и постановлении Президента Республики от 12 января 2022 года № ПП-81 «О мерах по внедрению системы рейтинговой оценки эффективности работ по противодействию коррупции»,

**ПРИКАЗЫВАЮ:**

1. Утвердить Антикоррупционную политику ООО «Учебно-тренировочный центр» (далее - Политика) (приложение 1) согласно приложению и ввести в действие с 15 января 2025 года.

2. Установить что заместители директора, начальники отделов, групп и работники всех звеньев ООО «Учебно-тренировочный центр» осуществляют свою деятельность в строгом соответствии с требованиями настоящей Политики.

3. Заместителям директора, начальникам отделов, групп ООО «Учебно-тренировочный центр» совместно с руководящим персоналом изучить и принять к исполнению требования настоящей Политики.

4. Начальнику общего отдела ознакомить под роспись всех вновь поступающих сотрудников с требованиями настоящей Политики и направить их главному комплаенс-инспектору по внутреннему антикоррупционному контролю для получения инструкций по противодействию коррупции и предотвращению конфликта интересов.

5. Довести до сотрудников ООО «Учебно-тренировочный центр» главного комплаенс-инспектора по внутреннему антикоррупционному контролю требования настоящей Политики и принимаемых документов по противодействию коррупции и предотвращению конфликта интересов.

5.1. Провести инструктаж под роспись по противодействию коррупции и предотвращению конфликтов интересов всем вновь принимаемым на работу сотрудникам.

6. Приказ довести до заместителей директора, руководителей отделов и групп ООО «Учебно-тренировочный центр».




7. Контроль за исполнением настоящего приказа возложить на заместителя директора по летной подготовке.

Директор



Турабов Р.Х.

**ЗАВИЗИРОВАННА:**

|                                                                                     |                                                                                    |                  |
|-------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------|------------------|
| Заместитель директора<br>по лётной подготовки                                       |   | Gulyamov E.Z.    |
| Заместитель директора<br>по учебной работы                                          |  | Xasanova D.Z.    |
| и.о.Главный экономист                                                               |  | Bondarenko Ye.A. |
| Главный бухгалтер                                                                   |   | Rafikova R.D.    |
| Главный<br>юрисконсульт                                                             |   | Mudarisov I.F.   |
| Главный комплаенс-<br>инспектор по<br>внутреннего<br>антикоррупционного<br>контроля |   | Yuldashev O'.M.  |

№ п/п

В дело

Заместителям директора

Начальником отделов

ЛМО, Рейтер, старшем групп

Юрисконсульт, Комплаенс

Общий отдел

**Итого:**

1

2

4

7

2,

1

17

Исп.: Юлдашев У.М.

Тел.: 60-81

**“ЎҚУВ-МАШҒУЛОТИ МАРКАЗИ”  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ**

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ  
«УЧЕБНО-ТРЕНИРОВАЧНЫЙ  
ЦЕНТР»**

---

**“Ўқув-машғулот маркази”**

**МЧЖ Директорининг**

2025-йил “15” 01 даги

7-сонли буйруғига 1-илова


## **“ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ МАРКАЗИ” МЧЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА СИЁСАТИ**

**Тошкент ш.**



## 0.1. Ҳужжат ҳақида маълумот

### И Ш Л А Б Ч И Қ И Л Г А Н:

“Ўқув-машғулоти маркази” МЧЖ КҚИНБКИ Ў.М.Юлдашев томонидан  
  ишлаб чиқилган.  
имзо сана

“Ўқув-машғулоти маркази” МЧЖ (кейинги ўринларда - Марказ)нинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) 2020 йил 3 январда “Ўқув-машғулоти маркази” МЧЖ Директори томонидан тасдиқланган ва муомалага киритилган “Антикоррупционная политика ООО “Учебно-тренировочного центра”” ҳужжати ўрнига янги мазмунда ва тахрирда 2025 йил 15 январдан амалга киритилмоқда.

**Мазкур Сиёсат қуйида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилди:**

- Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 3 январь куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш” тўғрисидаги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 5 июнь куни қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кундаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январь кундаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июнь кундаги Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 5 июнь куни қабул қилинган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-210-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги Директорининг 2021-йил 8 сентябрда “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи билан муомалага киритилган Низом, рўйхат рақами 3319;
- ISO 37001:2016 халқаро стандартига асосан “Коррупцияга қарши менежмент тизими”;
- “Uzbekistan Airways” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил 15 октябрь кундаги №334-сонли буйруғи билан муомалага киритилган “Uzbekistan Airways” АЖ ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари;
- “Ўқув-машғулоти маркази” МЧЖнинг Низоми.

**Ҳужжатни қайта кўриб чиқиш (янгилаш) даврийлиги 5 йилда бир марта.**

Ҳужжатни қайта кўриб чиқиш “Сифатни бошқарув тизимининг ҳужжатлаштирилган маълумотларни бошқариш бўйича қўлланма”да белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу ҳужжатни ўзгартириш тўғрисидаги қарор





Директор ва марказнинг бошқа бўлинма раҳбарларининг асосли таклифлари ҳамда Сиёсат мазмунига таъсир этувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигидаги ўзгаришларга ва ҳ.к. асосан қабул қилинади.

#### **Хужжатни жойлашуви**

Ушбу хужжатнинг асл нусхаси Марказнинг умумий бўлимида сақланади. Ушбу хужжатнинг хужжатнинг ҳисобга олинган нусхалари “Саловчилар рўйхати”га мувофиқ хужжатларни бошқариш ва назорат қилиш учун тайинланган масъул шахслар томонидан сақланади.

Мазкур “Сиёсат...”ни қўллашда ва/ёки мазмуни бўйича тавсиялар ва такомиллаштириш бўйича таклифлар миннатдорчилик билан қабул қилинади. Таклифлар “Сиёсат...”нинг амалдаги наширга тузатишлар киритишда ва кейинги наширларни тайёрлашда инобатга олинади.

“Сиёсат...” бўйича тавсиялар ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ёзма (оғзаки) равишда Коррупцияга қарши ички назорат бош комплаенс-инспектори номига юборилишини сўраймиз.

а) ички тел.: 60-81

б) e-mail.: [Uktamjon.Yuldashev@uzairways.com](mailto:Uktamjon.Yuldashev@uzairways.com)





## 0.2 Мундарижа

| №     | Сарлавха                                         | Саҳифа |
|-------|--------------------------------------------------|--------|
| 0.1.  | Ҳужжатлар ҳақида маълумот                        | 1      |
| 0.2.  | Мундарижа                                        | 2      |
| 0.3.  | Амалдаги саҳифалар рўйхати                       | 3      |
| 0.4.  | Ўзгариш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш варақаси   | 4      |
| 0.5.  | Сакловчилар рўйхати                              | 5      |
| 1 боб | Умумий қоидалар                                  | 6      |
| 2 боб | Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари  | 10     |
| 3 боб | Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йуналишлари | 11     |
| 4 боб | Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари     | 16     |
| 5 боб | Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар          | 20     |



### 0.3 Амалдаги саҳифалар рўйхати

| Саҳифалар рақами | Тузатиш рақами | Сана         |
|------------------|----------------|--------------|
| Боб 0            |                |              |
| 0-1              | 0              | 2024 й.00.00 |
| 0-2              | 0              |              |
| 0-3              | 0              |              |
| 0-4              | 0              |              |
| 0-5              | 0              |              |
| Боб 1            |                |              |
| 6-9              |                | 2024 й.00.00 |
| Боб 2            |                |              |
| 9-10             |                |              |
| Боб 3            |                |              |
| 10-14            |                |              |
| Боб 4            |                |              |
| 14-18            |                |              |
| Боб 5            |                |              |
| 18-19            |                |              |
|                  |                |              |



0.4 Ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга киритиш варақаси

| Ўзгартириш<br>рақами | Асос | Саҳифа рақами |      |                   | Ўзгартириш<br>киритиш<br>санаси | Ўзгартириш<br>ким<br>томонидан<br>киритилган<br>Имзо |
|----------------------|------|---------------|------|-------------------|---------------------------------|------------------------------------------------------|
|                      |      | ўзгартирилган | янги | бекор<br>қилинган |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |
|                      |      |               |      |                   |                                 |                                                      |





“Ўқув-машғулот маркази” МЧЖнинг коррупцияга  
қарши курашиш бўйича Сиёсати

Саҳифа: 6  
Тузатиш: 0  
Амалда: 2025/15/01

### 0.5 Сақловчилар рўйхати

| №  | Нусха рақами | Сақловчи     |
|----|--------------|--------------|
| 1. | 1            | Умумий бўлим |
| 2. | 2            | КҚИНБКИ      |

## 1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат Марказда ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимларда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак ҳуқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Марказ ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва Марказларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро Марказлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими - Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

3. Марказ Сиёсатни коррупциявий хавф-хатар ва мавжуд ресурслар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади.

4. Қуйидагилар Марказда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

Марказ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Марказда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Марказнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Тингловчилар ва имтиҳон топширувчиларда Марказнинг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш, коррупцияга нисбатан муросаз муносабатни шакллантириш;

Марказ ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳуқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб “увчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

Марказда мавжуд коррупцияга барҳам бериш.





5. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Марказнинг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

6. Марказга ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қонун-қоидаларига риоя қилиши лозим.

7. Мазкур Сиёсатда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:  
**давлат органлари ва муассасалари** - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва б. идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

**иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари** - учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қўвватлаш билан боғлиқ бўлган, Марказ ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Марказ ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва х.к.;

**контрагент** - Марказ билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, ҳудди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий хавф-хатар** - Марказ ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Марказ номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

**коррупциявий ҳаракатлар** - ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупциявий ҳуқуқбузарлик** - содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

**коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси** - Марказда коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** - коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Марказнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бўйлишининг олдини олиш, Марказ ходимлари томонидан ўз фаолиятини





профессional ва хулқ-атвор жихатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**кронизм** (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) - дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимят ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

**мансабдор шахс:**

доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимят вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, Марказларда ташкилий-бошқарув, маъмурий- хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс;

халқаро Марказда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**манфаатлар тўқнашуви** - Марказ ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Марказларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**махаллийчилик** - маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машуур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган уолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**непотизм** (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Марказ манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар** - белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боглик стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тўтилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

**уруғ-аймоқчилик** - Марказ ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

**фаворитизм** - Марказ ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши,





Марказда ходимлар билан ишлашни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қуйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

**хайрия (хайрия ёрдами)** - юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Марказ учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қўвватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий бегараз ёрдами;

**халқаро Марказ** - давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро Марказлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро Марказ, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий Марказлар.

**ходим** - Марказ билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс;

**хомийлик (хомийлик ёрдами)** - юридик ва жисмоний шахслар (хомийлар) томонидан Марказ (хомийлик қилинаётган муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Марказ муассасаларида хомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

**шафелик** - Марказ ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёклаб ёнини олиши;

**якин қариндошлар** - ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

## 2 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

8. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

**конунийлик** - Марказдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига мувофиқ, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибасига ва Марказ ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

**коррупцияга нисбатан муросасизлик (токатсизлик)** - Марказ ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (токатсиз) муносабатда бўлади. Марказ ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик** - Марказ ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Марказда қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги конун ҳужжатлари





талабларини ҳисобга олган ҳолда);

**коррупцияга қарши амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги** - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий ҳатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этиладиган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-ҳатарлар даражасига мос келиши ва Марказнинг барча функциялари ва йуналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Марказ ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш** - Марказ коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

**тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** - Марказнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун ҳудудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Марказ раҳбарига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкин;

**фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик** - Марказ ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва ҳолис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари жалб қилади;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-ҳатарларни бартараф этиш мақсадида Марказда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чоралари кўрилади.

### **3 боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йуналишлари**

#### **1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш**

9. Марказ ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Марказ тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

10. Марказ ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши (Декларация тўлдириши) лозим.





11. Марказ ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Марказда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий хужжатда белгилаб қўйилади.

12. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Марказ ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, рейтингларни ҳисоблаш ва х.к.).

## **2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш**

13. Марказ ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар меҳмондўстлик белгилари, жумладан қарз, қафолатлар, қафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда, конференциялар, семинарлар ва турли шу каби учрашувларда тақдим этиладиган умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан ошмайдиган буюмлар бундан истисно ҳисобланади.

14. Марказда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

совғалар Марказнинг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баробаридан ошмаслиги лозим;

Марказнинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори одатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

15. Шубҳа (гумон)лардан холи бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва х.к) муносабати билан мазкур Сиёсатнинг 13 ва 14-бандларида келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва Марказлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган мазкур Сиёсатнинг 13-бандида санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

16. Марказ номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш раҳбар буйруғига кўра мувофиқ амалга оширилади.





17. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда Марказ ходими Марказда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

**3-§. Марказ ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши**

18. Марказ ходимларининг халқаро ва бошқа Марказлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва х.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Марказнинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

тадбир Марказ ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Марказ ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаятган лойиха-тадқиқот Марказига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Марказ ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

тадбир моҳияти ва қийматида кўра ўринли бўлиши, хаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

19. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва х.к.) ташкилотчиси Марказ ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

**4-§. Ходимлар билан ишлаш билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)**

20. Марказ ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва ҳолис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

21. Номзодларни Марказга танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни Марказга қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Марказнинг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

22. Марказда ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, ходимлар билан ишлаш захирасига қўшганда ва х.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.





23. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

24. Ходимларни лавозим йўриқномасида қўйилган талаблар (маълумотиغا, иш малакасига ва диплом мутахассислигига) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, қарор, фармон, фармоишлар ва Марказнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келиши лозим. Марказнинг штат бирлигида кўрсатилган лавозимлар разряди ва коэффицентлари конкрет функциялар, вазифалар ва жавобгарликдан келиб чиқиб адолатли ишлаб чиқилиши лозим.

#### **5-§. Ташқи текширувчилар томонидан Марказда текширувлар ўтказиш ва фаолиятини ўрганиш**

25. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда - текширув объектлари) Марказ ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви, ўрганиши, мониторингини якка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Марказ, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қуйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Марказ томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Марказ ходимида аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Марказдаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Марказ ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

26. Марказ томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

#### **6-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш**

27. Марказ мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон





28. Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

29. Контрагентлар билан муносабатларда Марказ қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

30. Марказда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

31. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Марказ:

Марказда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Марказ ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ҳолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

31. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва х.к) Марказ ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

#### **7-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси**

32. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Марказнинг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказди.

#### **8-§ Марказ фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш**

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Марказнинг бўш ўринларини оммага эълон қилиш, ишлаш истаги бор номзодлардан ҳужжатларини қабул қилиш ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

34. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Марказ ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимда бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

#### **9-§ Марказдаги фаолиятни видео қайд қилиш ва унинг трансляцияси**

35. Марказ биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш, имтиҳонларни (Рейтерлик имтиҳонларни) шаффофлигини таъминлаш ва коррупцияга йўл қўймаслик





мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Марказнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади, коррупцияга ва манфаатлар тўқнашувига боғлиқ бўлган ҳолатларни ўрганиш ва баҳолаш учун коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси аудио ва видеоёзувларни тўлиқ ёки қисман лавҳаларни олиш ҳуқуқига эга.

#### **4 боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари**

##### **1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги**

36. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини:

мазкур Сиёсат;

Марказ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Марказда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги Низомда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

37. Марказ Директори коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.

38. Марказ Директори ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Марказ таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсинувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

39. Марказ раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Марказ таркибий бўлинмалари раҳбарлари Марказ фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоён қилади.

##### **2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш**

40. Марказ ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусиятидан ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубига мувофиқ ташки ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

41. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Марказнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Марказнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

##### **3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул**

42. Марказда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилади.

43. Марказда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ўз фаолиятини Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси тўғрисидаги низом (йўриқнома) асосида





амалга оширади ва бевосита Марказ раҳбарига бўйсинади ва “Uzbekistan Airways” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат хизмати олдида ҳисобдор саналади.

44. Марказ раҳбари Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини Марказда коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўмаслик юзасидан бажарадиган вазифаларни самарали амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

45. Марказнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимларини тақибга олишга, таъийқлар ўтказилишига, иш фаолиятига тўсқинлик қилишга ва уларни обрўсизлантирувчи ҳаракатларга йўл қўйилмайди ва бундай ҳолатлар аниқланганда қонуний чоралар кўрилиши учун Директор ва ваколатли идораларга белгиланган тартибда хабар берилади.

46. Марказнинг ходимлар билан ишлаш бошқармаси (бўлимлари) Марказда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

47. Марказда Одоб-ахлоқ комиссияси фаолият юритади. Марказдаги Одоб-ахлоқ комиссияси Марказдаги ходимларнинг этик ҳулқ-атвор қоидалари билан белгиланган ҳулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Марказда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш чораларини кўради.

48. Марказ раҳбарининг ўринбосарлари, хизмат, бўлим ва гуруҳ раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган бўлинмаларда коррупцияга қарши курашиш учун масъул ҳисобланишади, ҳар бир бўйсинувчи ходимларининг коррупциявий ҳаракатларни амалга оширишига ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликлари учун шахсан жавобгардир, ҳамда бўлинмаларда мунтазам равишда тушинтириш ишлари олиб боришади.

#### **5-§ Марказнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш**

49. Марказ коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича ходимлар ва талабаларни хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтга, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва тарқатма материаллар орқали етказди.

50. Марказ барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:





Марказ раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Марказда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Марказнинг коррупциявий хавфлар юқори бўлган бўлинма ходимларини коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

Ходимлар билан ишлаш бўлими янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Марказнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан имзо остида таништириш;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Марказ ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Марказ ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Марказда коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

Марказ ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Марказнинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади;

Марказ контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш. Коррупцияга қарши шартлар Марказнинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно).

#### **6-§. Жавобгарлик**

51. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Марказнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Марказнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

52. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Марказнинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан





ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сураш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Марказнинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Марказ манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

Марказ ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўкнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

53. Ходимлар ўз раҳбари ва Марказнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

54. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Марказда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Марказда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича регламент ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

55. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Марказнинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қуйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Марказ ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказнинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

56. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилма уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

57. Ички текширувлар натижалари доимий равишда раҳбарга, Марказ хайъати ва Марказнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

58. Марказнинг масъул ходимлари (Юрисконсульт, Коррупцияга қарши ички назорат бош комплаенс-инспектори) коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.





## 5 боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

59. Марказ ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Марказнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

60. Марказ ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

61. Марказ ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъкиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қуйилмаслигини қафолатлайди.

62. Марказнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Марказ масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мулжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатлар ва Марказнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

63. Марказ ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

